



МОЛЛАР ПУШТСИЗЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА БИОЛОГИК ПРЕПАРАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

13 статъе представлени и проанализированы высоко- кие результаты применения совместно с нейротропными препаратами биологических препаратов для лечения акушер-гинекологических заболеваний у коров хозяйствах Республики.

Калит сўзлар: пуштсизлик, акушер-гинекологик касалликлар, бентоплацентин, бўғоз бия қон зардоб, ректо- вагиналусл.

Тажрибалардан маълумки, вилоятлар чорвачи- лик фермер хўжаликларидаги сигир ва таналарнинг пуштсизлиги сезиларли даражада ошиб бормоқда. Йил давомида 25-35% (ўртача 29,7 + 3,6%) урғочи моллар қисир қолмоқда. Бу эса ҳайвонларнинг 3 дан бир қисми маҳсулот бермаётганлиги. на- тижда хўжаликлар жуда катта иқтисодий зарар кўраётганлигини англатади. Бунга асосан, моллар- нинг етарли даражада ем-хашак билан таъминлан- маганлиги, уларни нотўғри парваришлаш, фой- даланиш ва қочириш жараёнларида зоогигиеник қоидаларга эътибор берипмаслик ҳамда акушер-ги- некологик касалликларнинг олдини олиш ва даво- лашдаги хатоларга йўл қўйилаётганлиги оқибатида келиб чиққанлиги аниқланган.

Агарда ҳайвонлар сифатли ва етарли даражада ем- хашак билан таъминламаса, уларни яйратмасдан бир жойда, антисанитария ҳолатларда, зоогигиеник талаб ва қоидаларга жавоб бермайдиган жойларда сақланса, бу акушер-гинекологик касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Бундай ҳолатда сигир ва ғунажинлар туққандан кейин узок вақт мобайнида куйга келмай, 2-3 ой ва ундан ҳам кўп вақт қисир бўлиб қоладилар ва мол- лар жинсий аъзолари фаолиятларини қўзғатадиган табиий ва сунъий воситаларни қўллаш тавсия этилади. Лекин айрим пайтларда нэйрогормонал пре- паратлар натижа бермаслиги мумкин, чунки бундай молларнинг 30-40% и эндометритни ўткир ва сурункали ҳолда ўтказиши мумкин. Келтирилган маълумотлар ва тажрибалар натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, акушер-гинекологик касалликларнинг олдини олиш ва даволашда самарали усул ва воситаларни излаб топит долзарб вазибалардан саналади.

Текширишлар натижасида Конимех туманидаги «Шўркўл» сут-товар фермасида 253 бош сигирдан 79 таси, яъни 31,2 % и қисир бўлиб чиқди. «Нар-

пай» сут-товар фермасида бу кўрсаткич 41,6 % ва Зарафшон шаҳар А-С «Поток» сут-товар фермасида 24,0 % о ни ташкил килди.

Самарканд вилоятининг Тайлок туманидаги Чорва барака», С. Саидназаров ва А. Темур ном ли хўжаликларда

жойлашган фермаларда ҳам қисир моллар сони камаймаган, аксинча кўпайиб кетганли- ги (С Саидназаров» - 62,3 %) аниқланди.

Иқтисодий салоҳияти юқори бўлган айрим фермер ху- жаликларида ҳам сигир ва таналарнинг пуштсизлиги жуда катта муаммо бўлиб турибди. Масалам, гекширилган «Чортут» фермер хўжалигида ва А-С Поток- сут-товар фермаларида озуқа захира- сп етарли даражада. молларнинг семизлиги ва ваз- ни меъерда бўлишига карамай, сигирларнинг қисир қолиши ку затилмоқда.

А-С Поток- сут-товар фермасида 1 бош сигир хисобига хар купи 3-5 кг омихта ем, 3 кг арпа ва 1 кг бу гдой ёр.маси. 2 кг дан кунжара, 30 кг дан кўк ут. 1,5-2 кг дан беда, 20 кг дан силос берилади. Хар бир сигирдан ўртача 16-20 кг дан сут (ёғлилиги 4 %) сотиб слинмоқда. «Чоргут» фермер хўжалигида ҳам озуқа раиони тахминан юқоридаги ўхшаш бўлиб. утарда 25-30 кг гача сут (ёғлилиги 3,8-4%) соғиб О, ш нэ

Шўркўл » ва «Нарпай» хўжаликларида эса мол- ларга бериладиган озуқа микдори юқорида кўр- сатилган кунлик рационнинг 50% ини ҳам ташкил этмайди

А-С Поток» сут-товар фермасида моллар бир жойда яйратмасдан сақланади. Шунинг учун бу ерда кутлгина сигирларда туғишдан кейинги асо- ратлар. яъни йўлдош ушланиб қолиш ҳоллари ку- затилади.

Текширишларимизнинг биринчи йилида 15,6%, иккинчи йилда 15,4%. учинчи йилда 13,3% туққан сигирларда (плацента) йўлдош ушланиб қолиши ку - затилди.

Annotation

The article presents and analyzes the high results of the use of biological preparations in combination with neuro- tropic preparations for the treatment of obstetrician-gyneco- logical diseases in cows of the farms of the Republic.



Молларнинг адинамия, яъни уларнинг ҳаракат қилиб турмаслиги бачадон ва бошқа гинсталия аъзолари тез ўз ҳолига келмаслигига - субинволюцион жараёнларга олиб келади ва у А-С «Поток» хўжалигида 11,7%ни ташкил этгани аниқланди. «Шўркўл», «Нарпай», «Чорва барака», «А.Темур», «С.Саидназаров» номли ва бошқа чорвачилик хўжаликларидаги сигир ва ғунажинлар тукдандан кейин бачадонлари тезда ўз ҳолига келмайди. Улар- да 2-3 ойгача куйга келмаслик, тухумдонлар фаол- ятининг бузилиши ва сусайиб кетиши (гипофункция ва ҳоказолар) аниқланди. Моллар рационлари- нинг таркибида бўлган микро ва макроэлементлар- нинг (мис. кобальт, темир, марганец, рух, кальций, фосфор, калий, натрий ва бошқалар) микдорларини аниқлаш учун А-С «Поток» сут- товар фермасида юқорида кўрсатилган озукалар, молларнинг жунла- ри ва жигар парчалари Самарканд геология маркази лабораториясида текширилди. Натижада озукалар таркибида кобальт моддаси жуда паст даражада, рух ва мис моддасининг нормадан паст бўлганлиги аниқланди. Худди шундай рақамлар молларнинг жун ва жигар намуналарида ҳам намосн бўлди.

Олинган натижаларга асосланиб, сигир ва та- наларнинг симптоматик пуштсизликка қарши биологик прспаратлар - бентоплацентин, бўғоз бия кон зардоби (ББКЗ). Дорогов прспаратларининг II фракцияси бошқа нейроромонал, антисептик пре- паратлар, витаминлар билан биргаликда синондан ўтказилди.

Бунинг учун ректо-вагинал усулда сигир ва қочириш ёшидаги таналар текширилиб. бепушт қолганлари ажратилди ва мутлақо қисир (бачадон субинволюцияси ва атонияси сурункали эндометрит, тухумдон гипофункцияси) бўлган моллар куйидаги лойихалар асосида даволанди:

1- , 3-, 5-кунларда сигир ва таналар мушак ора- сига 20-25 мл бентоплацентин, тривитамин, 20-25 мл азвдининг полимер суспензияси ва тери остига

2- 3 мл 0,5 % прозерин эритмаси хдмда 3-5 мл 10 % аскорбин кислотаси юборилди.

7-8-кунлар эса 20-25 мл бентоплацентин, 15-20 мл азидинол, 2-3 мл 2 % ли синэстрол, 10 мл тривитамин ҳамда прозерин ва аскорбин кислотаси қўлланилди.

Ку тиа келган моллар табиий ёки сунъий усулда қочирилди ва 5-7 кутадан кейин уларнинг мушак орасига 2 -25 п азидинол, прозерин, плацентин ва аскорбин к.<. бтан биргаликда қўлланилди. Қочириш мудддти 2-3 :.:га етгач, самараси ректал усулда аниқланди.

Иккинчи лойихд (схема) бўйича куйидагича даволанди: 1-куни моллар тери остига 10 мл 20% аскорбин кислотаси эритмаси (1 марта), 7-8 мл 1 % прогестроннинг ёгли эритмаси тривитамин билан (5 мл) биргаликда жами

12-13 мл (3 марта) кунора мушак орасига юборилди. Ундан ташқари мушак орасига 0,2% КМЦ (карбокцилметилцеллюлозанинг натрий тузи) эритмасига тайерланган 7% азидин ва 4% этоний эритмалари (азидинол) ва бентоплацентин, ББКЗ билан биргаликда юборилди (1 марта). Шундан биринчи гуруҳдаги 4 бош молларга 10 мл бентоплацентин ва 5 мл ББКЗ аралашмаси тери остига жўнатилди; 2-гуруҳдаги 4 бош молларга 7 мл ББКЗ ва 10 мл бентоплацентин, 3-гуруҳга (14 бош) 10 мл ББКЗ ва 10 мл бентоплацентиннинг тент аралашмалари тери остига юборилди.

Азидинол яна 2 марта қўлланилди: моллар қочирилган пайтда ва 7-8 кун ўтгач. Натижалар 2-3 ойдан кейин молларни ректал усулида текширил- гандан кейин аниқланди.

Учинчи даволаш лойихд (схема) бўйича тажри- бадаги моллар куйидагича даволанди:

1- гуруҳдаги 21 бош янги туккан молларга 10-15 мл бентоплацентин, 10-15 мл тривитамин 2 марта (6-7 кунора) ва прозерин 0,5 % 2-3 мл мушак орасига жўнатилди.

2- гуруҳдаги 21 бош қисир сигирларга 2-3 мл 0,5 % прозерин эритмаси (3 марта), куноро тери остига жўнатилди, 7-кунга 10 мл бентоплацентин ва 10 мл ББКЗ (бўғоз бия кон зардоби) тери остига юборилди.

3- гуруҳдаги 14 бош қисир сигирларга 3 марта 15 мл тривит ва АСД II аралашма фракцияси (100 мл тривитга 10 мл АСД қўшиб аралашти- рилади) 48 соат оралигида мушак орасига 2 мл 0,5 % прозериннинг сувдаги эритмаси билан жўнатилди. 8-9 кунларда 10 мл бентоплацентин ва 10 мл ББКЗ аралашмаси тери остига 1 марта юборилди.

Куйга келган моллар сунъий усулда қочирилди. Қочириш вақтида ва 7-8 кундан кейин улар- га мушак орасига азидин ва этоний аралашмаси жўнатилди. Назоратда бўлган моллар олдинги усулда плацентин (биостимулгин) препарати билан юқорида кўрсатилган дори-дармонлар биргаликда қўлланилди.

Тажрибалар натижасига кура. 25 бош сурункали қисир сигирлар («Чортут») ҳаммаси куйга келиб, қочирилди ва 20 боши 1-2 жинсий цикл мобайни- да оталанди (80%), 4 боши кайтадан куйга келиб қочирилди (16%) ва 1 боши (4%) қисир қолди.

Назоратдаги 71 бош сигирдан факат 35 боши (49,3 %) оталанди, 23 боши қайтадан куйга келди (32,4%) ва 13 боши (18,3%) сурункали қисир бўлиб қолди.

«Шўркўл» хўжалиги фермасида 100% даво-ланган сигирлар куйга келиб, қочирилди. Лекин факат 11 боши (36,7 %) 1-2 куйиқиш (жинсий цикл) вақтида уруғлантирилди, 7 боши (23,3 %) қайтадан куйга келиб, уруғлантирилди ва 12 боши (40%) қисир бўлиб қолди.

Назоратда бўлган 8 бош сигирда (уларга ҳеч нарса қўлланилмади) 3-5 ой мобайнида 4 боши (50%) куйга келиб, қочирилди, 2 боши эса (25%) қайталади ва 2 боши (25%) қисир бўлиб қолди.

Иккинчи даволаш лойиҳа (схема) бўйича тажри-балар А-С «Поток» сут-товар фермасида ўтказилди. Кўриниб турибдики, бентоплацентин ББҚЗ билан тенг (50:50) аралашмаси юқори самарали бўлди. Бундай препаратлар қўлланилгандан сўнг 1-2 ой мобайнида 100% моллар куйга келиб, қочирилди ва 75%и уруғлантирилди. Бентаплацентиннинг факат ўзини қўллаганимизда 25% моллар уруғлантирилди ва 75 %и қисир бўлиб қолди.

Дорогое антисептик рағбатлантирувчи препаратининг II фракцияси (АСД II) тривитамин билан аралаштирилган бирикмаси (100 мл тривита-минга 10 мл АСД II фракцияси қўшилган), прозсрин, ББҚЗ полимерланган азидин ва этоний эритмаси (азидинол) билан биргаликда синовдан ўтказилди. Бундан ташқари фермадаги барча си-гирларга о.михта ем билан бирга кобальт хлорид ва мис сульфат тузлари аралаштирилиб, едирилди. Ҳар бир бошга 10 мг соф кобадът ва 100 мг соф микдордаги мис моддаси берилди (учинчи лойиҳа).

Кўриниб турибдики, бентоплацентин ББҚЗ билан бирга бўлган тенг (50:50) аралашмаси, прозсрин ва АСДнинг II фракцияси ва тривитамин аралашмаси билан қўллаганимизда энг юқори самара берганлиги аниқланди.

Бентаплацентинни ўзини қўллаганимизда ҳам кўпинча (тривитамин ва прозсрин билан биргаликда) ижобий натижалар олинди. Булар юқорида кўрсатилган микроэлементларнинг (кобальт, мис) таъсири деб ўйлаймиз. Улар организмдаги модда алмашувини ва шу билан бирга молларнинг табиий чидамлилигини оширишлари билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, молларнинг жинсий фаоли-ятини кучайтиришда бентаплацентин ва ББҚЗ қўллаганимизда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Буларнинг самарадорлиги бентоплацентин ва ББҚЗ бирикмалари тенг микдорда (50:50), айниқса биологик қўзғатувчилар. АСД II фракция каби ҳамда нейротроп препаратлар (прозсрин) билан биргаликда қўяланилганда ошиши аниқланди. Ке-ракли, танкис микроэлементлар (кобальт, мис, рух ва бошқалар) молларнинг рационларига қушилса, ўтказиладиган даволаш тадбирларининг

самарадорлиги янада юқори бўлади.

Демак, молларнинг жинсий фаолиятини яхши-лашда (қўзғатишда) биологик препаратларни (бентоплацентин, бўғоз бия қон зардоб, АСД II фракцияси ва бошқалар) комплекс чора-тадбирлар билан куллаш мақсадга мувофиқдир.

Фойл ала нилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўлдошев О.У. Сигирлар эндометрит касаллигини даволаш ва олдини олишда самарали усуллар. Тўртинчи халқаро илмий конференция. УзВИТИ - Самарканд, 2011.
2. Қўлдошев О.У., Мавланов С.И. Сигирлар қисир қилишининг олдини олиш // «Zboveterinariya». 2012. - № 9. - С.19-20.
3. Қўлдошев О.У., Мавланов С.И. Сигирлар акушер-гинс коло гик касалликларини даволаш // «Zooveterinariya», 2012. - № 10. - С.33-34.
4. Қўлдошев О.У., Эшимов Д. Қорамоллар аку-шер-гинекологик касалликларини даволаш ва олдини олиш. СамҚХИ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ривожлантиришда инновацион техно-логияларнинг роли. Илмий-амалий конф. 1-қисм. 2012.
5. Мавлонов С.И., Қўлдошев О.У., Элмуродов Б.А., Муртазин Б.Ф., Ата-қурбанов Ш. Сигирлар-ни сунъий қочириш. бўғозлигини аниқлаш ва аку-шер-гинскологик касалликларини даволаш бўйича қўлланма. 2013 йил.
6. Қўлдошев О.У., Мавланов С.И., Муртазин Б.Ф., Избасаров У.Қ., Салоҳиддинова Х. Чорвачи-лик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларида зоогигиеник ва ветеринария-санитария хизматини ташкил қилиш бўйича тавсиянома. - Тошкент, 2013.
7. Қўлдошев О.У., Сигир ва таналарнинг қисир қилишига олиб келувчи асосий омиллари. Сам ҚХИ. 2013. Ветеринария ҳамда чорвачилик илми ва амалиётнинг долзарб вазифалари илмий-амалий ан-жуман материаллари. - С.36-38.
8. Ата-қурбанов Ш.Б., Эшбўриев Б.М., Ҳай-вонлар қўпайиш биотехникаси. - Самарканд, 2014.
9. Пўлатов Г.С., Ата-қурбанов Ш.Б. Қишлоқ хўжалик ҳдйвонларининг бўғозлигини аниқлаш. - Самарканд, 1997.